

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# ХАЛҚ СЎЗИ



1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

1998 йил · 4 июнь, пайшанба

Сотувда эркин нархда · № 112 (1893)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ


## САЛОМАТЛИК ВА ГЎЗАЛЛИК МАРКАЗИ

Жиззах вилоятида республикамиз мустақиллигининг етти йиллигигача бир қанча муҳим иншоотларни фойдаланишга топшириш режалаштирилган. Яқинда вилоят маркази — Жиззах шаҳрида ёпиқ сув спорти саройи очилган бўлса, куни кеча бу ерда Саломатлик ва гўзаллик маркази иш бошлади.

Бу шинам марказ Жиззахда фаолият кўрсатаётган "Мир Улуғбек" хусусий савдо-ишлаб чиқариш фирмаси томонидан бунёд этилди. Марказда косметика салонларидан ташқари сауна, бассейн, сартарошхона, тиш даволаш пунктлари мавжуд.

Саломатлик ва гўзаллик маркази очилиши маросимида Бош вазир ўринбосари, республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Д. Ғуломова, вилоят ҳокими Ш. Мирзиёев сўзга чиқди.

**Йўлчи ЖЎРА,**
**ЎзА мухбири.**

# ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ КЕНГАШИ СЕССИЯСИ





3 июнь куни Қаршида халқ депутатлари Қашқадарё вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди. Унда вилоятдан сайланган Олий Мажлис депутатлари, шаҳар ва туман ҳокимлари, республика вазирлик, қўмита, уюшма, компания ва идоралари раҳбарлари қатнашди.

Сессияда ташкилий масала кўриб чиқилди. Озод Пармонов бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан вилоят ҳокими вазифасидан озод этилди. Депутатлар Президент Ислом Каримов тавсиясига биноан, Қарши шаҳар ҳокими вазифасида ишлаб келаётган Шуҳрат Бегматовни Қашқадарё вилояти ҳокими этиб тасдиқладилар.

Сессияда Президент Ислом Каримов нутқ сўзлади.

* * *

Шу куни Президент Ислом Каримов Шўртан газ-кимё мажмуи қурилишини кўздан кечирди. Хорижий сармоядорлар билан ҳамкорликда барпо этилаётган бу улкан иншоот мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини янада юксалтиришда муҳим аҳамиятга эга бўлади. Мамлакатимиз раҳбари бу ердаги иш суръати билан танишар экан, технологик жараён, бўлғусида олинадиган маҳсулот турлари билан қизиқди. Мажмуа фаолияти учун зарур бўладиган сув ресурслари, электр энергияси, транспорт, автомобиль ва темир йўллари, бошқа коммуникациялар қурилишини жадаллаштириш бўйича тегишли тавсиялар берди. Жумладан, қурилажак сув иншооти сиғими 16 миллион куб метрга етказиб, сув ресурсларидан нафақат саноат эҳтиёжи учун, балки экин майдонларини суғоришда ҳам фойдаланиш зарурлигини уқтирди.

Мазкур комплексни барпо этиш нияти 1978 йилда пайдо бўлган эди, деди Ислом Каримов. Лекин собиқ шўро давридаги камситувчи сиёсат, Ўзбекистоннинг иқтисодий юксалишини истамаган марказ бу ғояга тиш-тирноғи билан қарши турди.

Мустақиллик туфайли халқимиз азалий орзуларига эришмоқда. Бугун Шўртан газкимё мажмуи қурилиши қизғин давом этмоқда. Бир йилда 4,5 миллиард куб метр газни қайта ишлаш қувватига эга бўладиган бу янги корхонада асосий маҳсулот — газ конденсати, метан ва этан газлари, бензиндан ташқари яна кўплаб турдаги зарур маҳсулотлар ишлаб чиқарилади. Жумладан, этан гази қимматбаҳо маҳсулот — полиэтилен тайёрлашда асосий хомашёдир.

Президентнинг Қашқадарё сафари чоғида унга Бош вазирнинг биринчи ўринбосари Исмоил Жўрабеков, Президентнинг Давлат маслаҳатчилари Темур Алимов, Усмон Худойқулов ва бошқа расмий кишилар ҳамроҳлик қилди.

Шу куни Президент Ислом Каримов Тошкентга қайтиб келди.

**Беҳзод УСМОН,**
**ЎзА махсус мухбири.**
**СУРАТДА: сессия пайти.**
**А. ТЎРАЕВ олган сурат.**

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ФАРМОНИ*

### Ш.Р.Бегматовни Қашқадарё вилоятининг ҳокими этиб тайинлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-(12-банди) ва 102-моддаларига мувофиқ:

Шуҳрат Раҳимович Бегматов Қашқадарё вилоятининг ҳокими этиб тайинлансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри,
1998 йил 3 июнь.

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ФАРМОНИ*

### О.Д.Пармоновни Қашқадарё вилоятининг ҳокими вазифасидан озод этиш тўғрисида

Озод Давронович Пармонов бошқа ишга ўтиши муносабати билан Қашқадарё вилоятининг ҳокими вазифасидан озод этилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри,
1998 йил 3 июнь.

# ХАЛҚ БИЗДАН АМАЛИЙ ИШЛАРНИ КУТМОҚДА

## Президент Ислом Каримовнинг халқ депутатлари Қашқадарё вилояти кенгашининг сессиясида сўзлаган нутқи

Азиз дўстлар!

Муҳтарам депутатлар!

Энг аввало, бугун сизлар билан яна бир бор юз кўришиб турганимдан ғоят мамнун эканимни билдиришга ва сизлар орқали Қашқадарё халқига ўзимнинг чуқур ҳурмат-эҳтиромимни изҳор этишга ижозат бергайсизлар.

Қашқадарё вилояти юртимиз халқ хўжалигида тутган ўрни, унинг моддий ва маънавий салоҳияти, ориятли, мағрур ва танти инсонлари билан маълум ва машҳурдир.

Вилоятнинг пахта ва дон етиштиришдаги ўрни катта. Мамлакатимизнинг ривожи ва тараққиёти асоси бўлмиш ёқилғи маҳсулотларини етказиб беришда ҳам Қашқадарё етакчи ўринда туради. Ўзбекистон халқининг кундалик эҳтиёжига айланган табиий газнинг 90 фоизи ана шу ерда ишлаб чиқарилади. Толлимаржон ГРЭСи, Муборак гази, Шўртангаз, Кўкдумалоқ нефть кони ва бошқалар Қашқадарёнинг мамлакат иқтисодий тараққиётига қўшаётган жуда катта ҳиссасини кўрсатиб туради.

Ғузор-Бойсун-Қумқўрғон темир йўли қурилиши мамлакат халқ хўжалиги учун катта воқеадир. Бугун вилоятда ана шундай улкан қурилишлар салмоғи тобора ошиб бормоқда. Натижада воҳанинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва маънавий тараққиёти тобора кучаймоқда.

Полиэтилен маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган Шўртан газ-кимё мажмуи қурилиши халқ хўжалиги учун алоҳида аҳамиятга эга. Бу корхона бир йилда 125 минг тонна полиэтилен, конденсат ва газ маҳсулотлари ишлаб чиқаради. Корхона қурилишига АҚШ, Германия, Япония ва бошқа давлатларнинг нуфузли компаниялари жалб этилган. Иншоот қурилишига 600 миллиондан кўпроқ АҚШ доллари миқдорида сармоя сарфланиши кўзда тутилган.

Қашқадарё бой тарихий маданиятга эга. Қадимий Кеш, Насаф, Косон, Ғузор ва бошқа ўнлаб шаҳарлар бу воҳа халқи ноёб маданиятидан гувоҳлик беради. Бу қадим шаҳарларимизнинг тарихий шуҳрати ёш авлодни ватанпарварлик ва истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялашга хизмат қилмоқда. Шаҳрисабзнинг буюк бобокалонимиз Амир Темур номини олган мўътабар орден билан мукофотланишида улкан бир маъно бор.

Шу билан бирга, холисона тан олишимиз керак, Қашқадарё вилоятида мавжуд табиий, иқтисодий ва молиявий имкониятлардан, авваламбор шу воҳада яшаётган меҳнаткаш, заҳматкаш, мард, кўпни кўрган халқнинг салоҳиятидан ва имкониятларидан тўлиқ фойдаланилмаяпти.

Барчамизни ташвишга солаётган баъзи бир бузилишлар кўп қиррали иқтисодиётни ривожлантириш борасидаги давлатимиз ягона сиёсатининг бажарилишига хавф солмоқда.

Ҳурматли дўстлар!

Бугун сизлар билан бундан икки ярим йил бурун мана шу залдаги мажлисимизда ўтган гапларни эслаб, очиқчасига сўзлашиб, сизлар билан берилган ваъдалар, келишилган масалалар ҳақида атрофлича фикр алмашиб, тегишли хулосалар чиқариб, янги режаларимизни белгилаб олишимиз керак.

Хўш, ўша мажлисда нима гаплар бўлган эди?

Агар ёдингизда бўлса, мен ўшанда вилоятнинг янги сайланаётган биринчи раҳбарига қарата: "Билиб қўйинг, мана шу юртнинг тақдирини сизга ишониб топширяпмиз. Сиз энди буларга бош-қош бўлинг, дардига ҳамдард бўлинг, кўнглига яқин бўлишга ҳаракат қилинг. Сиз шу элнинг фарзандисиз, унинг олижаноб фазилатларини ҳам, камчиликларини ҳам яхши биласиз. Вилоятни ўрганиш учун сизга вақт керак эмас, чунки шу жойда туғилиб-ўсгансиз. Бу жойнинг шароит ва имкониятларини сиздан яхши биладиган одам йўқ", деган мазмундаги сўзларни айтган эдим.

Ўшанда Озод Пармоновга яна: "Аввало, гуруҳбозлик, маҳаллийчилик, уруғчилик-қабилачилик каби иллатлардан йироқ бўлинг. Чунки вилоятда бундай хавфли сарқитлар ҳали ҳам бор. Асосий вазифа — одамларнинг руҳини кўтариш, бошини силаб ҳимоялаш, уларнинг куч-ғайрати, имкониятларини тўғри йўлга солишдан иборат", деб айтган эдим.

Бу юртда шундай одамлар яшайдики, уларнинг кўнглини, қадду қоматини кўтарсанг, ҳақ гапни айтсанг, ҳақиқий етакчи бўлсанг, улар билан ҳамдард, елкадош бўлиб яшасанг, ҳамма нарсага эришиш мумкин, деб айтган эдимми-йўқми?

Хўш, мана энди бу гапларга икки ярим йил бўлди. Албатта, ўтган давр мобайнида вилоятда салмоқли ишлар ҳам, ўзгаришлар ҳам бўлди. Қашқадарё халқи шу айтилган гапларга, янги раҳбарга ишониб, мерос бўлиб қолган камчиликларни бартараф этамиз, деб ишлади. Шаҳарларда ҳам, қишлоқларда ҳам ижобий ишлар бўлди. Ғалла, пахта етиштириш бўйича режалар уддаланди. Ўйлайманки, вилоятнинг бу йилги ҳосили ҳам ёмон бўлмайди.

Албатта, бу ишларнинг барчасини эътироф этиш керак. Буни тан олмаслик инсофдан эмас.

Лекин бўлаётган ижобий ишларни ҳам тан олиб, **вилоятда рўй бераётган баъзи хатарли иллатларнинг олдини олмасак**, жамоатчиликнинг диққат-эътиборини бу ҳолни бартараф этишга қаратмасак, унинг салбий оқибатлари ҳаётимизда катта тўсиқ бўлиб қолиши муқаррар.

Гап нима ҳақида бормоқда? Бизни ташвишга солаётган масала кадрларни танлаш, уларни тарбиялаш, уларнинг қобилият-имкониятларига қараб жой-жойига қўйиш. Уларга ишонч билдириб, вилоятда соғлом муҳит яратиш ҳақида кетмоқда.

**Кейинги икки ярим йил ичида вилоят ҳокими тасарруфига кирадиган раҳбарларнинг 46 фоизи, ижтимоий соҳа раҳбарларининг 60 фоизи, савдо, маиший хизмат, иқтисодий соҳа раҳбарларининг 56 фоизи, "Ўздонмаҳсулот" ҳиссадорлик уюшмаси тизими раҳбарларининг 60 фоизи алмаштирилган.**

Вилоятдаги ва туманлардаги,

**(Давоми 2-бетда).**

## ЧОРШАНБА ХАБАРЛАРИ

Айланади соат миллари

● ҚАҲ-ҚАҲА

### КУЛГИ ДАРҒАСИНИ ХОТИРЛАБ...

*Бир томони Тожикистон, яна бир томони Қирғизистоннинг шаҳар ва қишлоқларидан келган кулгисеварлар қорасувлик машҳур аскиячи Абдулҳай маҳсум ота Қозоқовнинг 75 йиллик таваллуди муносабати билан ўтказилган кулги кунида роса ҳузур қилган эдилар. Ўша байрамнинг ҳовури совимай туриб, Қорасувга қўшни бўлган Хонободда машҳур кулги дарғаси Сойиб Хўжаев хотирасига бағишланган кеча бўлиб ўтди. «Сўтақўзи» гуруҳининг чиқишлари, олтинкўллик Машҳурбек Раимжонов, избосканлик Турсунбой, Жавлон, Беҳзод ҳамда хонободлик Шавкатбек, Мансурбек қизиқларнинг теша тегмаган ҳангомалари, аскиялар, пайровлар мухлисларни «бас!» дегунча кулдирди.*

*Томошабинлар нафасларини ростлаб олишлари учун «Сумалак» ва «Дунё» вокал-чолғу гуруҳлари санъаткорлари хизматда бўлди.*

● ҲУРМАТЛИ ТАҲРИРИЯТ!

### МАҲАЛЛАМИЗ ЎГАЙМИ?

*«Ўриқзор» маҳалласи аҳолиси бормаган ташкилот, мурожаат қилмаган мутасаддилар қолмади, ҳисоб.*

*Келинг, яхшиси, дардимизни бир бошдан сўзлаб берайлик. Мавзеимиз Акмал Икромов туманига қарашли. Ҳозирда шаҳарнинг деярли барча қисмида телефон алоқаси бор. Бироқ ўн мингдан зиёд аҳоли яшайдиган «Ўриқзор»га шу пайтгача телефон симлари тортиб келинмаган. Кундуз кунлари майлику-я, бироқ кечки пайт кимнингдир юраги хуруж қилса ёки қон босими ошиб кетса, хуллас, «Тез тиббий ёрдам»га муҳтожлик бўладиган тақдирда телефон бўлмаганидан кейин «03»ни қандай чақирасиз?*

*Ичимлик суви масаласи ҳам ёмон аҳволда. Бултур ёзнинг жазирама кунларида водопровод жўмракларидан сув келмади. Ҳозир ҳам бу сезилмаяпти.*

*Айрим кўчаларимиз ўнқир-чуқур, асфальтланмаган, ёритиш чироқлари йўқ. Кечқурунлари зимистон.*

*Устига устак, болалар учун ҳеч қандай шарт-шароитлар яратилмаган. Поликлиника ва спорт майдончаларига мўлжалланган жойлар томорқа учун бўлиб берилган.*

*Хуллас, ана шу муаммоларимиз ҳал бўлишини истаймиз.*

*«Саховат» кўчасида истиқомат қилувчилар: С. ХЎЖАХОНОВА, М. РАҲИМОВА, Г. ИБРОҲИМОВА ва бошқалар.*

● АНА, ХОЛОС!

### ЙЎҒ-Э, НАҲОТКИ?

*— Ие, собиқ паттачи осмондан тушдими ёки ердан чиқдими, — кўзларига ишонмади бозорга келган деҳқонлардан бири, — ахир у қинғирлиги туфайли қўлга тушиб, иши судга оширилган эди-ку?*

*— Тўғри, биродар, — хўрсинди унинг ҳамсояси, — паттачиси тушмагур пулни кассага эмас, киссага уришга мазахўрак бўлиб қолганди. Туман прокуратураси бозорнинг кунда-шундасига айланиб қолган Б. Ихволовнинг фирибгарлигини фош этди. У уч йил муддатга ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм қилинди.*

*— Ўшандан кейин ҳам...*

*— Тавбасига таянмади. Яна ўзини бозорга урди. Устига устак, эски ҳунарини бошлаб юборди.*

*Бозор маъмуриятидагилар эса уни сутдан оқ, мусичадек беозор кўрсатишиб, аввалги вазифасига тиклаб қўйдилар.*

*— Ана, холос! Бундан кўзланган муддао нима экан-а?*

*Бу саволга жавобни Жалолқудуқ тумани марказий бозори раҳбарлари айтар, — деб ёзибди мухбиримиз О. ШОДМОНАЛИЕВ.*

● ФАЛОКАТ

### «ПАҚИЛДОҚ» ОТИБ...

*Кутилмаганда фалокат юз берди.*

*Ака-ука ўйнаб туриб пақилдоқ отишди. Нима бўлди-ю, у укасининг ёнига тушди ва портлади. Натижада 7-синф ўқувчиси ўша жойнинг ўзида оламдан кўз юмди.*

*Ҳалигина ака-уканинг шўх-шодон кулгиси янграб турган хонадонда дод-фарёд кўтарилди. Хамир қориб, нон қилаётган онаизор ўғлининг жонсиз танаси устига беҳол йиқилди. Бу фожиа Поп туманининг Тепақўрғон қишлоғида юз берди. Бозорларда, кўча-кўйларда, бекатларда, ортингизда, оёғингиз остида бехосдан бир нарса қаттиқ пақилласа, не аҳволга тушишингизни бир ўйлаб кўринг...*

*— Тепақўрғон қишлоғидаги бу фожиа бошқаларга сабоқ бўлсин, — дея огоҳлантиради жамоатчи мухбиримиз Х. ЭРГАШЕВ.*

**Телефонларимиз:** 133-15-22, 133-52-55, 133-07-48, 136-37-85

**Соат милларини Қ.ЭШМАТОВ кузатди.**

## ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАН

Навоийда Олий Мажлис ўн биринчи сессияси якунлари ва Президентимиз Ислом Каримов нутқидан келиб чиқадиган вазифаларга бағишланган илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди. Унда шаҳар ва туман ҳокимлари, уларнинг ижтимоий масалалар бўйича ўринбосарлари, олий ва ўрта таълим ўқув муассасалари раҳбарлари, қишлоқ фуқаро йиғинлари оқсоқоллари, маҳалла қўмиталари раислари, ҳуқуқ-тартибот органлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Анжуманда Олий Мажлис сессиясида жуда катта ижтимоий-сиёсий аҳамиятга эга бўлган бир қатор қонунлар қабул қилинганлиги, уларни ҳаётга изчиллик билан татбиқ этиш иқтисодиётимизни, қишлоқ хўжалигини, халқ фаровонлигини юксалтиришга хизмат қилиши таъкидланди. Бу борадаги барча ишларга мамлакатимиз раҳбари нутқида баён этилган хулоса ва қоидалар дастуриламал бўлмоғи лозим.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси проректори Нажмиддин Комилов, профессор Ғайбулло Ас-Салом, Навоий давлат кончилик институти проректори Сулаймон Иноятов ва бошқалар анжуманда сўзга чиқиб, аҳолини, айниқса, ёшларни миллий ва умумбашарий қадриятлар руҳида тарбиялаш масалаларига тўхталдилар.

Анжуманда вилоят ҳокими Ҳ.Ғаффоров сўзга чиқди.

**Ёрқул УМАР,**
**ЎзА мухбири.**

## МУСТАҚИЛЛИК: ЕТТИ ЙИЛ МЎЪЖИЗАЛАРИ

ЯНГИ РУКН





Яна қарийб уч ойдан кейин бой ва обод юртимиз — Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 7 йиллигини кенг нишонлаймиз. Етти йил, эҳтимол, тарих учун ғоят қисқа муддатдир. Аммо ана шу даврда иқтисодий ислоҳотларни босқичма-босқич, қадам-бақадам амалга ошириш, уларни ҳар бир босқич талабларидан келиб чиққан ҳолда чуқурлаштириш, бу борада қабул қилинган қарорларнинг ижросини назорат этиш бўйича бутунлай янги йўл ишлаб чиқилгани натижасида мамлакатимизда оламшумул ютуқлар қўлга киритилди. Бу ютуқлар нималардан иборат?

Андижон автомобиль заводи, «Зарафшон-Ньюмонт» қўшма корхонаси, Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи, «Кобул-Тўйтепа-Текстайл» қўшма корхонаси, Чирчиқдаги болалар пойабзали ишлаб чиқаришга ихтисослашган «КИБО» қўшма корхонаси, йилига 2,5 миллиард куб газ ҳайдаш қувватига эга Кўкдумалоқ компрессор заводи, Қўқон спирт ишлаб чиқариш бирлашмаси, Янгийўл биокимё заводи, Тошлоқ ип йигирув фабрикаси, Қизилқум фосфорит комбинати ва бошқа бир қанча муҳим объектлар фойдаланишга топширилди.

Шўртан газ-кимё мажмуи, Қўнғирот сода заводи, Хўжаобод ерости газ омбори, Газли-Нукус газ қувури, Навоий-Учқудуқ-Султонуиздоғ-Нукус, Ғузор-Бойсун-Қумқўрғон темир йўллари, Тошкент-Андижон-Ўш-Қашғар автомобиль йўлининг Қамчиқ довони участкасини қуриш ва таъмирлаш ишлари эса жадал суръатларда олиб борилмоқда.

Бугунги кунда ана шу янги қурилган корхоналар ҳудудлар тизими ва қиёфасини тубдан ўзгартирибгина қолмасдан, балки ички ва ташқи бозорларимизни рақобатбардошли маҳсулотлар билан тўлдирмоқдалар.

Буларнинг ҳаммаси, таъбир жоиз бўлса, етти йил мўъжизаларидир. Буни ҳатто хорижликлар ҳам эътироф этмоқдалар.

Ёки бўлмаса Ўзбекистон ҳақиқий қурилиш майдонига айлангани, Тошкент ва бошқа шаҳарларда кўзни қамаштирувчи кўплаб замонавий бинолар, йўллар, кўприклар, гузарлар барпо этилгани мўъжиза эмасми?

Мамлакатимизда мулкдорлар синфи шаклланиб бораётгани, янгича фикрловчи одамлар пайдо бўлаётгани ҳам энг ноёб ютуғимиздир.

Истиқлол йилларида Ўзбекистонда халқаро телекоммуникация алоқаларининг мустақил тизими яратилгани, республикамизнинг Транс-Осиё-Европа тизимига қўшилгани ҳам қайси мўъжизадан кам?

Шуларни ҳисобга олиб, газетамизда бугундан бошлаб **«Мустақиллик: етти йил мўъжизалари»** деган янги рукн очишга қарор қилдик. Бу рукн остида мустақиллик йилларида мамлакатимизда бунёд этилган гигант корхоналар, иқтисодий, ижтимоий-маънавий соҳаларда эришилган ютуқлар, жамиятимизда юз бераётган туб ўзгаришлар ҳақида ҳикоя қилиб борилади.

**3-бетга қаранг**

## "АЛПОМИШ"НИНГ 1000 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

**Бу юрт — Алпомишнинг юрти, Барчинойнинг Ватани. Қанча ғурурлансак, фахрлансак арзийди. Йўқ, азизлар, Алпомиш афсона эмас, эртак эмас, у ҳақиқат асли. Бўлмаса, неча ўнлаб асрлар давомида халқимиз ўз қаҳрамонини бунчалар улуғлаб бошига кўтариб юрмас эди. Шу маънода ёруғ юз билан эътироф этмоқ керак: халқаро ЮНЕСКО ташкилоти, Ўзбекистон Президентининг хайрли саъй-ҳаракатлари, бевосита ташаббуслари туфайли Алпомиш ўзининг озод тупроғига қайтиб келаётир.**

**Республика Вазирлар Маҳкамасининг «Алпомиш» достони яратилганлигининг 1000 йиллигини нишонлаш тўғрисида»ги қарори замирида жуда улкан тарихий ҳақиқат ётибди. Ва ҳеч муболағасиз айтсак бўлади, бу бизлар учун, мамлакатимизнинг барча зиёлилари учун бир дастур вазифасини ўтайди. Бу қарорнинг қабул қилиниши Алпомишни шунчаки бир эслаб қўйиш эмас, балки асрлар давомида унутилиб, ҳатто топталиб келинган ўтмишнинг тикланиши ҳамдир.**

**Маълумки, ҳукуматимиз қарорида Алпомишга бағишланган тантаналар асосан Сурхондарёда ўтказилиши айтилган. Бу катта тадбирга қандай ҳозирлик кўрилмоқда? Биз вилоятда яшаб ижод қилаётган бир гуруҳ бахшилар ва ижодкорларнинг Алпомиш боболари ҳақидаги ўй-мулоҳазаларини қоғозга туширдик.**





# БАХШИЛИ ЭЛ БОЙ БЎЛАДИ

### 1999 ЙИЛ УЗОҚ ЭМАС

**Шоберди бахши БОЛТАЕВ:**

– Тарих ўлмас хазинадир. Бу дунёнинг ғалати ўйинлари бор-да. Гоҳ ўтмишга тош отамиз, гоҳ мақтаймиз. Ўзимизча ҳар хил баҳолар айтамиз. «У» бўлса ўз сирларини бағрида яшириб тураверади. Бу гапларни нега айтаяпман? Шу элнинг яхшисиям, ташвишига шериги ҳам бахши. Айниқса, у мозий билан кўп «тиллашади». Гоҳ йиғлайди, гоҳ кулади.

Энди тўйолди гапларидан айтайин. Албатта, унинг довруғи жуда баланд. Қаерга борсак, сўрашаяпти. Лекин кўнгилнинг бир чеккасида озгина хижиллик ҳам бор. 1999 йилгача э, ҳали вақт кўп-ку, деганлар адашади. Дўппимиз бир айлангунича ўтади-кетади. Биринчи навбатда, «Алпомиш» номидаги халқаро жамғармани ташкил этиш зарур. Эшитишимча, ҳаракатлар бошланибди. Шунингдек, Ўзбекистонда Бахшилар уюшмаси тузиш пайти келди. Яна бир гап. Ҳозир кўпгина давлат ва жамоат ташкилотлари мамлакат миқёсида «Алпомиш»нинг 1000 йиллигига бағишлаб кўриклар ўтказишаяпти. Бу жуда яхши. Бироқ бундай танловларнинг бадиий савияси ҳамда тарихий аҳамияти хусусида жиддийроқ ўйлаш керак. Яширмайлик, бу муҳим тадбирга кўпчилигимиз етарли эътибор бермаяпмиз.- Жонли мисол: яқинда Қарши шаҳрида 35 ёшгача бўлган бахшилар танлови ўтди. Кўрик бошланишидан бир кун аввал шогирдларимдан бирови уйимга келди. Қаршига кетаётган экан. Охири сўрадим: «нима, вилоят мутасаддилари бехабарми?» Унинг айтишича, маданият бошқармаси раҳбарлари транспорт масаласини ҳал қилолмагач, ўзларингиз бораверинглар, дейишибди. Энди ўйланг, бахшиларнинг кўпчилиги бизнинг вилоятдан-ку! Қолганлари қандай боради? Эртаси куни яна бири дўмбирасини кўтариб келиб қолди. Нима қилай, чидолмадим, бирга жўнадик. Борсам... деярли ҳамма вилоятдан бахшилар ва вакиллар бор. Сурхондарёдан йўқ. Уялиб кетдим.

Мен бу гапни гина қилиш учун айтмаяпман. Ахир, Тошкентдан танлов ташкилотчилари қанча катта ниятлар билан келишган. Кўрик яхши ўтди. Кўнглим тоғдек кўтарилиб қайтдим. Чунки иккинчи ўринга ҳозирча Ўзбекистонда ягона хотин-қиз бахши бўлмиш сурхондарёлик Зулхумор Шерназарова сазовор бўлди. Қолган учта совринли ўрин ҳам уч нафар шогирдимга насиб этди.

### АЛПОМИШ ТОВКАГА УЙЛАНГАНМИ?

**Шафоат Раҳматулло ТЕРМИЗИЙ, шоир:**

– Билмадим, барибир бир гурунгда Алпомишдек ўлмас қаҳрамон сиймосининг яратилиш тарихи-ю, ўнлаб авлодларга етиб келгунича бошидан кечган кечмишларини айтиб адо қилолмасак керак. Мен «Алпомиш»нинг Сурхондарё вариантлари ҳақида гапирмоқчиман. Чунки аксариятимиз шу кунгача Фозил Йўлдош ўғли айтган «Алпомиш»ни ўқиб, ёдлаб улғайганмиз. Аслида-чи?

Олайлик, бизда мукаммал вариантлари ҳалиям яшаб келаяпти. Бир мисол айтаман: Фозил Йўлдош бобомиз тўлдиролмаган жиҳат – яъни Алпомишнинг Алпга айланиш жараёни бор Сурхонда. У Алпомишни бирдан Қалмоққа «жўнаттириб» юборади. Бунгача бизда яна 120 бет воқеа бор. Шу ўринда ўзимни кўпдан бери қийнаб келаётган бир муаммо десамми, дардними айтсам. Достончилик мактабларининг асл илдизлари Сурхондарё ва Қашқадарёга бориб тақалади. Лекин Ҳамид Олимжон Фозил бобомиз айтган достоннинг иккинчи қисмини, менинг назаримда, ўзи қаттиқ таҳрир қилган. Чунки унда Алпомишнинг Товкага уйланиши олиб ташланган. Бизнинг вариантда уйланиш жараёни бор. Яна бир томони, Сурхон нусхасида Қоражон Қалдирғочга зулм қилади. Бошига от солиб, кўпкарида улоқ қилиб чопиб юрганида Алпомиш Қултой чол қиёфасида бориб, Қоражоннинг бутини суғуриб кетади-ку! Бу томонлари, яъни уларнинг дўстга айланиш воқеалари «советлаштирилган». Яна бир жойи бор. Бойсари нега қайтиб келмайди? У Шоҳимардон отага борганида «сенинг аканг билан ўрталарингда ихтилоф чиқади, ёт ўлкага кетасан, ўша ёқда Ётбой деган ўғил туғилади, шундан кейингина қайтасан», дейди. Барчин қайтаётганида шу ўғил туғилмаган эди, у кутади. Алпомишнинг иккинчи бор қайтиб боришида пайдо бўлади. Бўлмаса, Бойсари қизини Алпомиш олиб келаётганида қайтиши керак эди-ку. Чунки ҳамма келаятувди, Барчин ҳам, барча эл-улус ҳам. Бу жойлари Фозил шоирда йўқ.

Менинг тахминимча, «Алпомиш»нинг ўттиздан кўпроқ варианти бор. Энди шу тўй шарофати билан ҳали чоп этилмаган, лекин эл орасида машҳур бўлган асл нусхаларни ёзиб олиш керак. Мана, қирғизлар «Манас»нинг 1000 йиллиги баҳонасида ана шундай йўл билан йўқолиб кетган нусхаларини ҳам тўплашди. Натижада ўнлаб мукаммал вариантлар дунёга келди. Мен бу билан Фозил Йўлдош айтган достон талабга жавоб бермайди, демоқчи эмасман. Тан олиш керак, у буюк шоир. Ва унинг айтган вариантини асос қилиб олиб, ана шу мезон билан тўплаш лозим. Ҳозир техник имкониятларимиз етарли, қанча тезроқ ёзиб олсак, улар бир-бирини тўлдиради. Хазинамиз бойийди. Аслида юбилейни ўтказишдан мақсад ҳам шу-да ўзи.

Достон қандай бўлса, шундай ёзиб олиш керак. Хўш, Товка Алпомишни яхши кўриб қолди. Чоҳга тушиб, лаҳм қазиб Алпомиш билан учрашди. Нега энди Алп унга уйланмаслиги керак? Бизнинг вариантда, юқорида айтдим, уйланади.

Яна бир томони: «Алпомиш» қўнғиротларнинг достони. Уларнинг этногенези жуда катта. Лекин биз энди унинг туғилган ё яшаган жойини излаб, талашиб юрсак, бу гўллигимиз бўлади. Унинг миллатиниям қидирмаслик керак. «Алпомиш» ўзбекларнинг тенгсиз достони. Қўнғиротлар – ўзбекнинг бир қавми. Бундай мукаммал бойлик бошқа миллатда йўқ.

### МИЛЛИЙ ҚЎШИҒИМИЗ

**Абдурасул ЖУМАҚУЛ, журналист:**

– I-II асрларда шу ерда Кушон империяси, грек-Бақтрия давлати пайдо бўлган. Бу ёққа Искандар Зулқарнайн бостириб келган. Раҳшона деган подшоҳ қизига уйланган, дейишади. Ҳозир Сурхондарёдан Карпиз тангалари чиқаяпти. Ўша кушонлар ҳам, карпизлар ҳам, айтишларича, турк тилида сўзлашишган экан. Энди тасаввур қилинг: бизнинг тупроққа греклар келган бўлса, Ҳомер мероси ҳам келган. Демак, сизу биз Алпомишга менгзаётган Одиссей ҳам келган-да. Ҳеч муболағасиз айтса бўлади, Алпомишнинг шу заминда ўтганига шубҳа қилмаслик керак. Яна бир ғалати ўхшашликни қаранг: инсониятнинг биринчи достони шумерларнинг Гилгамиши ҳисобланади. Гилгамиш, Алпомиш, Тўхтамиш... булар бир-бирини тўлдирадиган буюк достонлардир. Ҳаммаси келиб-келиб бизга тўғри келади.

Дўстларимдан бири гапириб берганди: гуржилар тўй қилсалар келин-куёвларга сеп сифатида Шота Руставелининг «Йўлбарс терисини ёпинган паҳлавон» асарини тақдим этар экан. Бизда-чи? Кўп эшитамиз, ёшларга Алпомишдай ўғиллар, Ойбарчиндай қизлар тилаймиз. Амалда эса уйда ҳам, боғча ва мактабда ҳам Алпомиш ҳақида ҳеч нарса билмаймиз.

Биламиз, греклар ўз «Одиссея»си ёки қирғизлар улуғ «Манас»и билан ғурурланади. Энди биз, ўзбеклар ҳам ўзимизнинг катта ҳарфлар билан ёзсак арзигулик МИЛЛИЙ ҚЎШИҒИМИЗни дунёга танитайлик. Ҳиндларнинг машҳур «Маҳобҳорат»ини суюб кўрамиз ёки мутолаа қиламиз-ку! Нега энди ҳиндлар ё греклар, грузин ёки немислар бизнинг Алпомишимизни билмаслиги керак?!

### «ТИРИК» МАНБАЛАР

**Хушбоқ бахши МАРДОНАҚУЛ ўғли:**

– Бизнинг авлодимиз бахшилар сулоласи ҳисобланади. Шерна бахши бобом **(онасининг отаси – Н.Ж)** бўлса, Мардонақул бахши отамдир. Танглайимиз дўмбира билан кўтарилган десам, ишонаверинг. Энди Алпомишга келсак, унинг камон отиб, от чоптириб ўтган тупроғи Бойсун — Қўнғирот эли. У ерлар ҳозир ҳам бор. Мисоллар келтирайин. Мана, Бешкўтон деган жой. Бойсари ўз акаси Бойбўридан закот учун аразлагандан кейин беш минг қўй билан келади. Бешта кўтон қурдиради. Ҳар кўтонга мингтадан қўй солади. Қалмоқларнинг подшоси Тойчахон эди. Шерободнинг Тургон деган дарёси Таллашқоннинг устидан оққан. Дарёнинг бир бетида – кунчиқар томонида қўнғиротлар яшаган бўлса, у тарафида қалмоқлар бўлган. Куйтан тараф, яъни то Хоразмгача бўлган чегарада улар яшаган. Ана шу Бешкўтон бойлари дарёдан бу томонга ўтиб келса, чопарлар Тойчахонга хабар беради. Беш минг қўйли Бойсари «биз сиздан мадад истаб, юрт тилаб келдик, бошпана беринг» деб хат йўллайди. Майли, молимизга закот берамиз, дейди. Тойчахон «ёрдам сўраб кептими, кўкрагидан итармайман, инсоф қиламан, мусулмон, пок-ҳалол одам экан, берганини берсин, закот сўраманглар, майли, беш минг қўйи ўтлайдиган ер ажратинглар», деб мулозимларига буюради...

Буларнинг ҳаммаси мендан яқиндагина Деновда ёзиб олинган вариантда бор. Мен шу жойларини бежиз келтирмадим. Чунки Тойчахоннинг қизи Товканинг қўрғониям шу ерда. Таллашқон деб бекорга ном берилмаган. Кўкалдошнинг оти Кўкдўнан билан Бойчиборнинг бир-бири билан талашиб юрган жойи шу ер. Муродтепа деган жой ҳам бор бизда. Унинг тарихи ҳам ғалати. Бойсари билан Бойбўри иккови бефарзанд пайтлари худога ёлвориб, шикор (ов)га чиққанда тепанинг устида уч одам келиб, Бойбўрини «тур, муродинг ҳосил бўлди, худойим сенга бир ўғил, бир қиз, Бойсари укангга эса бир қиз ато этди», деб уйғотади. Шунда Бойбўри сачраб уйғониб, укасини қучоқлаб, йиғлаб-йиғлаб суюнчилайди: «кел, энди шу тепада муродимиз ҳосил бўлди, номини Муродтепа қўяйлик. Болаларимиз улғайиб, шикорга чиқса, биринчи келиб шу тепани зиёрат қилсин», деб тайинлайди. Боботоғдан пойга чопгани-ю, Алпомишнинг зиндонигача Сурхондарёда борлиги — буларнинг ҳаммаси тарихий манба эмасми? Бундай аниқлик бошқа қайси халқлар достонида бор?

### ЮРТИМИЗ ЖАВОҲИРЛАРИ

**Тоштемир ТУРДИЕВ, филология фанлари номзоди, фольклоршунос, Денов тумани ҳокими ўринбосари:**

– Тўғриси, Ўзбекистонда «Алпомиш»ни тўлиқ биладиганлар йўқ ҳисоб. Раҳматлик Қодир бахши биларди. Ҳозир Чоршаъм бахши, Хушбоқ бахши ва Абдуназар бахшиларгина айта олади, деб ўйлайман.

Яқинда Хушбоқ бахшини Деновга чорлаб «Алпомиш»ни ёзиб олдим. Видеотасмага 22 соатча вақт кетди. Матнини қоғозга тушириб ҳам бўлдим. 324 бет чиқди. Бу ҳазилакам достон эмас. Насиб этса, тўй баҳонасида китоб ҳолида юртдошларимиз қўлига тегса керак.

Яхшиси, келинглар, ана шу достондан бир парча ўқиб берайин:

***Тим қора-я кўзлари,***
***Куйни бошла-я, келинжон.***
***Зулпак қўйган келинлар***
***Тўйни бошла-я, келинжон.***
***Биздай-биздай боболар***
***Уйни бошланг, келинлар.***
***Қизиқ-қизиқ айтинглар,***
***Яна-я қизиқ айтинглар.***
***Кўк кўйлагингни Барчин,***
***Кийгин-а дейман, келинжон.***
***Атлас кимхоб кўрпангни***
***Жийгина дейман, келинжон.***
***Ўнг тиззангга тизалиб***
***Суйгин-а дейман, келинжон...***

Яна бошқа мулоҳазаларим ҳам бор. Бизнинг халқимиз достонни, қўшиқ-лапарларни севади. Ҳар бир гўшада, айниқса, Сурхондарё, Қашқадарё томонларда ранглари сарғайиб кетган достон-китоблару юз йиллик дўмбираларни кўз қорачиғидай асраб-авайлашади. Халқ оғзаки ижодининг энг нодир намуналарини авлодма-авлод етказиб келаётган оилалар кўп. Биз бу катта тўй баҳонасида маънавиятимизнинг асл дурдоналарини тўфонли йиллардан истиқлол замонигача етказиб, уларни эл ичра овоза қилолмаган фидойи инсонларнинг номларини йўқласак, руҳлари шод бўларди. Сурхондарёнинг ҳар бир гўшасини пиёда кезиб чиққан қашқадарёлик ҳассос-олим Абдимўмин Қаҳҳоровнинг тўплаган бойликларини ўрганиб, тадқиқ этиш пайти келди. Ёки ўзбекнинг ўлмас фольклоршуноси Чори Ҳамро меросини қачон ўрганамиз? Уларнинг ҳар иккиси ҳам тириклигида қадр топмади. Ахир улар «Алпомиш»у «Гўрўғли»ларнинг неча ўнлаб, бошқа халқ достонларининг юзлаб ноёб вариантларини ёзиб олган эдилар.

Шўролар замонида «Алпомиш»га айрича муносабат билдирилган. Ўша пайтларда чоп этилган китобларда миллий қадриятларимиз акс эттирилган эпизодлар достондан атайлаб олиб ташланган. Бугун-чи? Энди йўллар очилди, ҳеч қандай тазйиқ ва чекловлар йўқ. Айтишларича, XVIII асрда шерободлик Бобо шоирдан қолган мерослар ҳозир ҳам халқ орасида бор эмиш. Ёки Шерна бахши, Мардонақул бахши, Маматрайим бахши, Доно бахши сингари халқимизнинг суюкли бахшиларидан ёзиб олинган халқ оғзаки ижодининг энг нодир намуналарини излаб топиш керак.

Бетакрор, худо ёрлақаган истеъдод соҳиби, раҳматлик Қодир бахши Раҳим ўғли айтган «Алпомиш»нинг ҳалигача чоп этилмаганини қандай баҳолаш керак?

***...Уч кунлик гурунг ҳеч тугамайди. Ҳар гал қайси бир бахши давramизга кирса, бирданига «Алпомиш»дан айтайинми, дея сўрайди. Биз эса секингина бош ирғаймиз. Гоҳ ҳазин, гоҳ жарангдор овозга дўмбира жўр бўлади. Жанубнинг қуёшли ҳарорати кўнгилларга-да самимий илиқлик олиб киради. Ва шунда юракларга ҳув олис-олислардан яна Алпомишнинг янгроқ саси эшитилади.***

### ШОБЕРДИ БАХШИ:

— Ҳо-о-в, нариёқдан жўнагандан кейин, Алпомишнинг отаси Бойбўрига туяни боқтириб қўйгандан сўнг, нима деса бўлади, туя Алпомишнинг изидан кетгач, «эгангдан қолгур кўбалча кетди», дейди. Бу Сурхон вариантида. Фозил Йўлдошда Қалдирғочга туя боқтирилади. Бизнинг эшитганларимизда туя Алпомишнинг ўтиб кетаётганини кўриб изидан сезади. «Сенинг сақлаган қулинг борма» деб туяни қайтарса, бошига тарсиллатиб таёқ тушади. Шунда Бойбўри бошимга тушгани шул экан-да, деб оғзи-бурнидан қон оқиб, зорланиб айтган сўзини қаранг:

*Хала дейман, хала-ё,*
*Бошга жовди, жала-ё.*
*Етти йилдан бермағон*
*Уйни қурган қалъа-ё.*
*Тайлаб кетди ўлайин,*
*Алпомишдай бола-ё.*
*Сенга етдими нола-ё,*
*Мени десанг изингга қайт,*
*Эсайиб қолган гала-ё.*

*Хазон бўлмай боғда*
*гуллар сўлдима,*
*Аллоҳ, менинг бору*
*ҳушим олдима,*
*Чўпонлар кеп бошга*
*таёқ солдима,*
*Ё бўлмаса менинг*
*болам ўлдима.*
*Эганг бордай олчонглайсан*
*бесайир,*
*Сенинг эганг — менинг*
*болам келдима.*
*Гап келади куйганларнинг*
*сўзидан,*
*Қон оқади Бойбўрининг юзидан,*
*Хабар олмадим кетганган-а*
*қўзидан.*
*Эганг бордай олчонглайсан*
*бесайир,*
*Бораяпсан қандай*
*одамнинг изидан?*

... Боласининг изидан бориб, иккови кўришгандан кейин ... отинг-ниям Алпомишнинг отига ўхшатдим, устингдаги эгариниям ўзимни эгаримга ўхшатдим, жасадинг ҳам ўзимга ўхшади, етти йилдан бери йиғлай-йиғлай кўзи кўр бўлиб қолган-да. Шунда энди қаранг, феълнинг кенглигини, юракнинг катталигини. Келдим, ота, деса, етти йилдан бермағон қанча азоб-уқубат ўтган, болам, деб жони чиқиб кетса, бўлади-ку! Йўқ, шунча йил чидадим, бир кунга ўлиб қоламанми, деб отасига танитмай ўтиб кетди...

Шунда «ё баччағар-ей, мендан олдин сен энангга топишдингми, ёлғончига аввал одам келганми, ё ҳайвон келганми», деди. «Йўлда кўрган отама, сенча бўлмадима» деб Алпомиш титраб кетади...

**Гурунгни Норқобил ЖАЛИЛ ёзиб олди.**

## ЕТТИ ИҚЛИМ САДОСИ

# ЯДРОСИЗ ДУНЁ САРИ

***Яқинда БМТнинг Женева қароргоҳида ядро қуролидан холи ҳудуд барпо этишга келишиб олган беш Марказий Осиё давлати минтақа экспертлар гуруҳининг биринчи кенгаши бўлди.***

***Бундай гуруҳ ташкил этилишининг мақсадга мувофиқлиги тўғрисида Алмати декларацияси қабул қилинганидан кейин келишиб олинган эди. Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон ва Ўзбекистон экспертлари ҳамкорлик фаолиятида бир йиллик тажрибага эгалар. Минтақавий гуруҳ ўзининг бевосита фаолиятини «Марказий Осиё — ядро қуролидан холи ҳудуд» Тошкент анжумани ҳужжатлари мазмуни ва лойиҳаларини келишиб олиш зарурати пайдо бўлиши билан ўтган йилнинг май ойидан амалга ошира бошлади.***

***Маълумки, Тошкент баёнотида минтақа давлатлари номидан БМТдан консультатив ёрдам тўғрисида илтимос айтилган эди. Декабрда эса Тошкент анжуманининг якунини мустаҳкамловчи БМТ Бош Ассамблеясининг «Марказий Осиёда ядро қуролидан холи ҳудуд барпо этиш тўғрисида» махсус резолюцияси қабул қилинди. Ушбу резолюцияда, шунингдек, минтақа экспертлар гуруҳини ташкил этишда ёрдам кўрсатиш илтимоси таъкидланган эди. Бу эса амалий жиҳатдан экспертларимиз ишига БМТ ишончига сазовор бўлган халқаро эксперт гуруҳи маслаҳатлар беришини англатади.***

***Марказий Осиё экспертларининг Женева учрашуви ана шундай мутахассис иштирокида ўтди.***

Доктор Жозеф Голдблат залга кириб келганида, унинг номзоди беш Марказий Осиё давлатлари вакиллари томонидан тасдиқланган эди. Аниқ шарҳлари зарур бўлмагунча суҳбатга қўшилмади.

Профессор Голдблат билан кейинроқ ўтказилган суҳбатимиздан шу нарса маълум бўлдики, олимнинг янги вазифаси нафақат унинг касбини, балки шахсини ҳам белгилайди. 30 йилдан ортиқ вақт мобайнида у қуролсизланиш, қуролланиш пойгаси жараёнлари устида изланишлар олиб бормоқда, Ядро қуролини тарқатмаслик тўғрисидаги шартноманинг тайёрлов жараёнининг кўплаб музокараларида иштирок этган. У 20 йил нуфузли Стокгольм жаҳон халқаро муаммоларини ўрганиш институти (СИПРИ)-да қуролланиш ва қуролсизлантириш назорати бўйича дастурга раҳбарлик қилган.

Айни вақтда олим БМТнинг қуролсизланиш муаммоларини ўрганиш институтида консультант бўлиб ишламоқда ва бир вақтнинг ўзида дунё муаммоларини ўрганиш Женева институтининг вице-президенти ҳамдир. Женева университетида дарс беради. «Хавфсизлик бўйича мулоқот» журнали таҳририятининг фаолларидан.

Доктор Голдблат мақолалари ва китоблари билан машҳур. Унинг сўнгги «Қуролсизланиш ва қуролланиш устидан назорат» ва «Ядро қуролини тарқатмаслик тартиби: унинг аҳамияти ва истиқболлари» китоблари халқаро мутахассислар томонидан эътироф этилган, уларда 19-20 асрлар мобайнида халқаро ҳамжамиятнинг қуролланишга бўлган муносабатини ифодаловчи барча халқаро шартнома ва битимлар таҳлили ўз ифодасини топган. Унинг ҳали номланмаган янги асари ядро қуролини тарқатмасликка қарши муаммоларга бағишланган.

Жозеф Голдблат ва унинг рафиқаси Клэр ўнлаб хорижий тилларни билишади.

***— Жаноб Голдблат, Сизни бизнинг бешлик билан ишлашга нима ундади?***

— Ғоянинг ўзи ва минтақадаги ўзгаришлар. Яна бир муҳим жиҳати, тинчлик ташаббусини амалга оширишга кўмаклашиш имконияти.

Мен Марказий Осиё ҳудуди билан боғлиқ воқеалар ривожини диққат билан кузатиб келдим. Биринчи босқичда Президент Ислом Каримов БМТда бундай ҳудуд барпо этиш истагини эълон этган пайтда, адашмасам, бу 1993 йилда бўлган эди, мен буни қанчалик муваффақият қозонишини баҳолашга уринган эдим.

Бир сўз билан айтганда, мен ядро қуролидан холи ҳудуд муаммолари билан бутун умрим давомида шуғулланиб келмоқдаман. Замонавий технологиялар ривожланиши билан у янада долзарб аҳамият касб этмоқда. Аммо уни амалга ошириш жараёни осон кечмаяпти.

***— Марказий Осиё ташаббуси эълон этилганига қарийб беш йил бўлди... Сизнинг-ча, совуқ уруш даври боши ва ҳозирги пайтда ядро қуроли ифодасида аниқ фарқлар борми?***

— Сўнгги беш йилда ядро қуроли тўғрисидаги тасаввурлар ўзгарди. Ядро қуролига эга давлатларнинг ана шундай қуролга эга душманлари йўқолди. Лекин экологик хусусиятга эга, масалан, ядро арсеналларини сақлаш каби муаммолар юзага чиқмоқда. 1995 йилда Ядро қуролини тарқатмаслик шартномасини узайтириш бўйича ўтказилган Конференциядаги тортишувларда юзага келган тарқатмаслик тартибини ўзгартириш тенденцияси ядро қуроли узоқ вақт давомида дунё сиёсатининг муҳим жабҳаси бўлиб қолади, дейишга имкон беради. Кенг миқёсли, оламшумул уруш бошланиш эҳтимоли «ноль» даражада қолиши эътироф этилаётгани — бу аниқ. Аммо «тасодифий» ядро уруши муаммоси долзарб бўлмаса-да, бундай хавф мавжуд. Шунингдек, ядровий қуролсизланиш муаммоси кескинлиги ҳам шундай узоқ вақт мобайнида сақланиб қолади. Шунинг учун ҳам ядро қуролидан холи ҳудуд барпо этиш ядровий муаммолар умумий муҳокамасининг эътиборли мавзусига айланиб бормоқда. Марказий Осиёнинг ҳеч бир янги давлати унинг муҳокамасида энг бошидан иштирок этмади, шунинг учун ҳам Ўзбекистон, минтақа бошқа иштрокчиларининг мазкур мавзуга, ҳатто кечикиб бўлса-да замонавий дунё ҳақиқатларини чуқур идрок этиш ва унинг демократик тамойилларини мустаҳкамлаш далили сифатида қабул этилади.

Марказий Осиёда ядро қуролидан холи ҳудуд барпо этиш нуқтаи назаридан сўнгги беш йил муҳим давр бўлди. Зеро, ушбу давр мобайнида ташаббуслардан сиёсий эътирофга, минтақа даражасида Марказий Осиёда ядро қуролидан холи ҳудудни сиёсий қонунийлаштириш ва уни БМТ Бош Ассамблеяси доирасида қабул қилинган ҳужжатлар қаторига қўйишда муҳим қадамлар қўйилди. Ядро қуролини тарқатмаслик тўғрисидаги шартноманинг ишлашини текшириш бўйича 2000 йилда ўтказилиши мўлжалланган Конференция тайёрлов қўмитаси иккинчи сессиясининг расмий рўйхатига киритилган Марказий Осиё давлатларининг ишчи ҳужжатлари Марказий Осиё бешлиги (М-5) ташқи сиёсат идоралари фаолиятининг ижобийлигини кўрсатмоқда.

Кузатувчилар томонидан таъкидланган яна бир нозик фикр шуки, М-5 доирасидаги муаммоларни тушуниш ҳаётий ва зарурийдир. Ушбу сўзлар билан Марказий Осиё халқлари манфаатларидан келиб чиқиб, ўз ташқи сиёсатларини юргизаётган Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон ва Ўзбекистон раҳбарларига эҳтиромимни билдирмоқчиман.

***— Ядро омили нуқтаи назаридан замонавий халқаро жараён икки асосий воқеага: тарқатмаслик тартибини мустаҳкамлаш ва ҳар қандай ядро синовларини тақиқловчи тартибни шакллантиришга асосланади. Айни пайтда воқелик мураккаблиги, баъзан эса ривожланишнинг глобал жараёнлари барқарорликнинг янги шакллари қарама-қаршиликларини намоён этмоқда. Жумладан, замонавий халқаро муносабатлар тизимида ядро қуролларининг роли ҳақидаги масала ҳал этилмаган. ЯҚТШ (Ядро қуролини тарқатмаслик шартномаси) ядро қуролига эга бўлиш арафасида турган давлатларга ҳам муносабат билдирмайди. Мазкур муаммоларнинг мавжудлиги пролиферант (ядро қуролига эга бўлиш арафасида турган) мамлакатлар ядро мақомини ҳуқуқий мустаҳкамлашга интилишларини тасдиқламоқда.***

— Бунга уларни ядро қуролининг сиёсий аҳамияти ва оммавий қирғин қуролларини яратиш имкониятларининг мавжудлиги, миллий хавфсизлик зарурати баҳоси мажбур қилмоқда. Биргина ядровий портловчи қурилмага эга бўлиш давлатлараро муносабатларни ўзгартиради. Бу — бир кўриниш.

Иккинчиси, менимча, мураккаброқ жараён кўринишига эга. Ядровий бешликда қарама-қаршиликларнинг йўқлиги ноаниқлик ҳолатини келтириб чиқаради, шу билан бир қаторда ядро қуролидан холи тинчлик учун хавфсизлик ўлчовларини аниқлаш ҳали анча мушкул. Ниҳоят, учинчи ҳолат замонавий дунё зиддиятлари ўлчови баҳосида келиб чиқади, бу эса барқарорлик тамойиллари ва ядро омили тизимини ташкил этиш роли ўртасида ўзаро боғлиқликни белгилайди.

Бундай ҳолатдан чиқишнинг йўли ихтиёрийлик ўлчамлари асосларига жавоб бероладиган жойларда ядровий қуроллардан холи ҳудудларни яратишда эканлиги кўриниб турибди.

Ядро қуролига эга ва эга бўлмаган давлатлар алоҳида ядровий ўзаро муносабатларга тортилганлар, уларнинг ҳаракатлари Ядро қуролини тарқатмаслик шартномаси асосида мувофиқлаштирилиб турилади, унинг айрим моддалари эса янги ҳудудлар пайдо бўлишини олқишлайди.

Хотима ўрнида шуни айтишим мумкинки, Марказий Осиёда ядро қуролидан холи ҳудуд яратиш ташаббуси ядро тарқатиш жараёнлари юз бераётган ва ҳарбий-сиёсий кескинлик манбаси мавжуд бўлган бепоён минтақада харбий-сиёсий вазиятларни ойдинлаштиришга ёрдам берди. Бўлғуси Марказий Осиё Шартномасининг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш жуда муҳимдир. Бу эса минтақа экспертлар гуруҳининг асосий вазифаларидан бўлади. Мен Марказий Осиёда ядро қуролидан холи ҳудуднинг амалга оширилиши глобал ва минтақа хавфсизлигини мустаҳкамлашга қодирлигига шубҳаланмайман.

***— Ташаккур.***

**Суҳбатни минтақа экспертлар гуруҳининг Ўзбекистон томонидан вакили, Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Сиёсий таҳлил ва истиқболни белгилаш бошқармаси бошлиғининг ўринбосари А.КАРИМОВА олиб борди («Жаҳон» ахборот агентлиги).**

## ҚИСҚА САТРЛАРДА

**ТОКИО**

Япония ҳукумати Қирғизистонга 50 минг АҚШ доллари миқдорида инсонпарварлик ёрдами беришга қарор қилди. Ўтган ойда республиканинг жанубий вилоятида кучли сув тошқини юз берган эди. Япония ҳукуматининг инсонпарварлик ёрдами тошқин асоратларини бартараф этишга сарфланади.

Япония Ташқи ишлар вазирлигининг маълум қилишича, ушбу маблағ Қирғизистон ҳукумати илтимосига биноан берилмоқда.

**ЖЕНЕВА**

Бу ерда Халқаро Меҳнат Ташкилотининг 86-бош конференцияси очилди. Унда меҳнаткашларнинг асосий ҳуқуқларини кафолатлаш тўғрисидаги декларация ҳамда болаларни оғир ишларга жалб қилишни тақиқлаш бўйича конвенция муҳокама қилинмоқда. Маълумотларга қараганда, ҳозир дунёда 250 миллион нафар бола оғир меҳнат билан шуғулланар экан.

**ДЕҲЛИ**

Ҳиндистонда бензин, тамаки ва айрим озиқ-овқат маҳсулотлари ҳамда хизмат кўрсатиш нархлари ошиб кетди.

Бензиннинг баҳоси ўртача 30 фоиз, чой ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари эса 5 фоиз қимматлашган. Айниқса, почта ва пойтахт аҳолисини сув билан таъминлаш хизмати 40 фоизга ошган. Бунинг сабаби Ҳиндистонга нисбатан қўлланилаётган иқтисодий жазо чоралари билан изоҳланади.

**(ЎзА)**

**ШВЕЙЦАРИЯ: АЛП ТОҒЛАРИ ЭТАКЛАРИДА**



«ХАЛҚ СЎЗИ» «НАРОДНОЕ СЛОВО»

Бош муҳаррир Аббосхон УСМОНОВ

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

БЎЛИМЛАР:
Парламент 133-57-34;
Ҳуқуқ ва қонунчилик 136-07-94;
Иқтисодиёт 136-36-65;
Қишлоқ хўжалиги 136-37-85
Маънавият 136-35-60, 132-10-65;
Хатлар 136-29-89, 133-07-48;
Фан, туризм, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик 132-12-08;
Халқаро ҳаёт 132-11-15;
Котибият 133-10-28;
Эълонлар 136-09-25.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00001
Буюртма Г — 096, 34565 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган.
Қоғоз бичими А—2
Газета IBM компьютерида терилди ва оператор Сергей ЛУКИН томонидан саҳифаланди.
Таҳририятга ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — И. Ўтбосаров.
Навбатчи — Қ. Норқобил.
Мусаҳҳиҳ — Ф. Усмонов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.
Босишга топшириш вақти—21.00 Босишга топширилди: 01.55 1 2 3 4 5 6